



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ**

**Султонова С.Ю.**

**ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА  
АХБОРОТ МАКОНИ ВА  
ЁШЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ  
ТАҲДИДЛАР, ЭКСТРЕМИЗМ ВА  
ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ ҒОЯВИЙ  
КУРАШЛАР СТРАТЕГИЯСИ**

**(Ўқув- услубий қўлланма)**

**Самарқанд - 2020**

Султонова С.Ю. Глобаллашув шароитида ахборот макони ва ёшларнинг маънавий таҳдидлар, экстремизм ва терроризмга қарши гоёвий курашлар стратегияси. Олий ва ўрта махсус ўқув юртлири учун мўлжалланган ўқув-услугубий қўлланма. - Самарқанд. СамДЧТИ. 2020 йил. - 94 бет.

Ўқув-услугубий қўлланма “Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. Фуқаролик жамияти”, “Диниунослик”, “Фалсафа” фанлари бўйича ўтиладиган мавзуларга мос равишда ишлаб чиқилган бўлиб, талабаларни назарий билимлар, амалий кўникмалар, ижтимоий ҳодиса ва жараёнларга услубий ёндашув ҳамда илмий дунёқарашини шакллантириш вазифаларини бажаради. Ушбу ўқув-услугубий қўлланмани ўрганиш ва ўзлаштириш жараёнида талаба мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг мақсад ва вазифалари, амалга ошириш шарт-шароитлари ҳамда омиллари ҳақида билимларга ва тасаввурларга эга бўлади. Ёшларни маънавий таҳдидлар, ахборот хуружлари, “оммавий маданият”, диний фундаментализм, экстремизм ва терроризм, одам савдоси ва бошиқа ёт мафкуралардан ҳимоялашининг шарт-шароитлари ва омиллари каби таҳдидлардан огоҳлантириб, бугунги кунимизнинг мафкуравий муаммоларининг мазмун-моҳиятини англаш, ёшларимиз онги ва қалбига сингдириш, ҳамда уларнинг илмий дунёқарашини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилган.

**Масъул муҳаррир:** проф. Р.Т.Шодиев

**Тақризчилар:** СамДЧТИ фалсафа доктори (PhD) доц. Меликова М.Н.  
СамИСИ фалсафа доктори (PhD) доц. Саматов Х.У.

Ўқув-услугубий қўлланма талабалар, устоз-мураббийлар, ёш тадқиқотчилар ва мазкур соҳани ўрганувчи барча мутахассисларга мўлжалланган.

## КИРИШ

Терроризм бутун дунёда тинчликни таъминлаш йўлидаги асосий ғов, тўсиқдир. XX асрнинг иккинчи ярмида халқаро миқёсда ўзини очиқ намоён этаётган хатарли воқеликлардан бири, турли шиорлар билан ниқобланган терроризм минтақалар ва мамлакатлар ҳаётида бирдек таҳдид солмоқда. Кенг кўлам ва хилма-хил кўринишлар касб этаётган ушбу иллатга қарши кураш бутун дунё учун долзарб муаммо бўлиб қолмоқда.

**Ш.М. Мирзиёев**

“Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. Фуқаролик жамияти” фани талабаларни назарий билимлар, амалий кўникмалар, ижтимоий ҳодиса ва жараёнларга услубий ёндашув ҳамда илмий дунёқарашини шакллантириш вазифаларини бажаради. Ушбу фанни ўрганиш ва ўзлаштириш жараёнида талаба мамлакатимизда амалга оширилаётган Ўзбекистонни ривожланиш стратегиясининг ғоявий асослари, мақсад ва вазифалари, амалга ошириш шарт-шароитлари ҳамда омиллари ҳақида билимларга ва тасаввурларга эга бўлади.

Бундан ташқари миллий ғоя ва мафқуралар ривожининг тарихий босқичлари, концептуал асослари ҳақида, ғоялар хилма-хиллиги ва мафқуравий жараёнларнинг ижтимоий тараққиётга таъсирини ҳамда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси миллий тараққиётининг ғоявий асоси эканлигини илмий ва назарий жиҳатдан билади ва улардан фойдалана олади.

Ушбу фан мамлакатимизнинг юксак тараққиётини таъминлаш, унинг ижтимоий-иқтисодий пойдеворини мустаҳкамлашда ватанпарварлик, дахлдорлик ҳиссини ўзида

мужассам этган ёшларни камол топтиришга хизмат қилади. Шунингдек, глобаллашув жараёнида юзага келаётган ғоявий, мафкуравий таҳдидлар таъсирига тушмайдиган, мафкуравий иммунитетни мустаҳкам инсонни вояга етказишда мазкур фан алоҳида аҳамиятга эгадир.

Мамлакатимиз Биринчи Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, ўзининг ҳаётини, олдига қўйган мақсадларини аниқ тасаввур қила оладиган, ўз келажаги ҳақида қайгурадиган миллат ҳеч бир даврда миллий ғоя ва миллий мафкурасиз яшамаган ва яшай олмайди. Мафкура бўлмаса, ҳар қайси давлат ва жамият, қолаверса ҳар қайси инсон ўз йўлини йўқотиши муқаррар.

Халқни буюк келажак ва улуғвор мақсадлар сари бирлаштириш, мамлакатимизда яшайдиган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир фуқаронинг ягона Ватан бахт-саодати учун доимо масъулият сезиб яшашига чорлаш, аждодларимизнинг бебаҳо мероси, миллий қадрият ва анъаналаримизга муносиб бўлишига эришиш, юксак фазилатли ва комил инсонларни тарбиялаш, уларни яратувчилик ишларига даъват қилиш, шу муқаддас замин учун фидойиликни ҳаёт мезонига айлантириш миллий ғоямизнинг бош мақсадидир.

Ғоя жамиятнинг маънавий барқарорлигини таъминлаш жиҳатидан муҳим аҳамиятга эга. У шундай муҳитни яратиш баробарида фуқароларни яқдил, юксак маънавий мўлжаллар теварагида яқинлаштириб, баъзан эса чигил иқтисодий, сиёсий вазиятларни енгиб ўтишга таянч бўлади. Инсон туйғуларига улуғворлик бахш этган ғоя унинг руҳий камолотига хизмат қилиши шубҳасиз. Улуғ мақсад ва ватанпарварлик туйғусига эга инсонни маълум даражада маънан комил инсон десак, янглишмаймиз. Бу эса, ғоянинг инсон қадр-қимматини улуғлаш йўли билангина уни буюк ишларга сафарбар этиши мумкинлигини англатади. Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг “Маънавиятни тушуниш, англаш учун аввало инсонни тушуниш, англаш

керак”<sup>1</sup>,- деган фикри, нафақат маънавият, балки инсон билан боглиқ барча соҳалар учун ҳам бирдек тааллуқлидир.

«Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси.Фуқаролик жамияти» фанини ҳар томонлама ва чуқур ўрганиш мақсадида тайёрланган ўқув-услубий қўлланмада, айниқса, “Глобаллашув даврида ахборот макони ва ғоявий-мафкуравий курашлар” мавзусини ўрганиш жараёнида даврида ёшларни маънавий таҳдидилар, ахборот хуружлари, “оммавий маданият”, диний фундаментализм, экстремизм ва терроризм, одам савдоси ва бошқа ёт мафкуралардан ҳимоялашнинг шарт-шароитлари ва омиллари каби таҳдидлардан огоҳлантириб, бугунги кунимизнинг мафкуравий муаммоларининг мазмун-моҳиятини англаш, ёшларимиз онги ва қалбига сингдириш ҳамда уларнинг илмий дунёқарашини шакллантиришда алоҳида хизмат қилади деб умид қиламиз.

Ўқув-услубий қўлланмани тайёрлашда мавжуд бўлган илмий адабиётлар, ўқув дастурлари, маъруза матнларидан кенг фойдаланилди. Ўйлаймизки, ушбу ўқув-услубий қўлланма барча мутахассисларнинг педагогик ва тарғибот-ташвиқот ишларида амалий ёрдам кўрсатади.

---


<sup>1</sup>И. Каримов. Юксаак маънавият - енгилмас куч.-Т., “Маънавият”, 2008, 29 б.

## ГЛОБАЛЛАШУВ ДАВРИДА АХБОРОТ МАКОНИ ВА ҒОЯВИЙ МАФКУРАВИЙ КУРАШЛАР


*Глобаллашув даврида ахборот макони, ахборотлашган  
жамият тушунчаларининг мазмун- моҳияти.*

Оммавий ахборот воситаларида, илмий асарларда кўпинча “Глобаллашув бу юқори интеграция жараёнидир”, “Глобаллашув кескин ахборот тезлигидир”, “Глобаллашув сабабли бутун дунё бир кичик кишлокқа айланиб қолди” деган ибораларни тез-тез эшитиб қоламиз. Глобаллашув жараёни ҳақида турли минбарлардан кўп маротаба таъкидланмоқда, лекин шунга қарамай кўпчилигимиз уни ўзимизга бир бутун равишда салбий ва ижобий хислатлардан холи бўлмаган тарзда тасаввур қила олмаймиз. Ким учундир глобализация фақат имкониятлар рамзи (1 чизма): Эркин савдо Бойлик манбаи. 2. Ахборот ва ғояларнинг тўхтов ва чегараларсиз алмашиниши демократият гарови. 3. Маданиятлараро алмашиниш. (кино, спорт, ОАВ). Инсон дунёқарашининг кенгайишидир. Яна кимдир эса Глобаллашувни фақат ёвузликлар манбаи сифатида (2 чизма): 1. Американизация, Макдонализация, Поп маданият тарқалиши 2. Йирик транс ва мултинационал Корпорациялар манфаатларининг жамият ва халқ манфаатларидан устун қўйилиши. 3. Милий маънавий ғоялар сусайиши, маънавий таҳдидларнинг кучайиши мисолида кўради.

Иккала томонларнинг ҳам фикри ҳақиқатдир, лекин бу ҳақиқатлар бир кўринишда глобаллашув жараёнида намоён бўлади. Глобаллашув жараёнлари тарихи узоқ ўтмишга, антик даврга бориб тақалади. Кўпгина антик файласуфлар фикрича Рим империяси ўзида Ўрта ер денгизида яшовчи турли миллат ва халқлар ижтимоий ва маданий алмашинишини мужассам қилган, яъни бу жараёнларни ҳозирги глобаллашув жараёнлари биринчи босқичи десак бўлади.



1-Чизма



2-чизма

Буюк ипак йўли пайдо бўлиши ва янги савдо ва тижорат имкониятлари вужудга келиши ҳам гарб, ҳам шарқ маданиятларини бир бирига яқинлаштирди ва миллатлар ўртасидаги маънавий алоқаларни кучайтирди.



Глобаллашув жараёнлари кейинги кескин тараққиёти XVI-XVII асрларда, яъни европадаги иқтисодий ўсиш ва буюк жуғрофий ихтиролар билан боғлиқ. XVIII-XIX асрларда глобаллашув жараёнлари бир томондан фан-техника ютуқлари асосида ривожланган бўлса, иккинчи томондан ўзаро сиёсий курашлар ва турли минтақавий урушлар натижасида сусайди. Бу ҳол айниқса XX аср бошларида кескин тус олди. Яъни глобаллашув жараёнлари биринчи (1914-1918) ва иккинчи (1939-1945) жаҳон урушлари туфайли анча орқада қолди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги ижтимоий-сиёсий вазият, халқаро нодавлат ташкилотлари Бирлашган Миллатлар ташкилоти, Халқаро олимпия қўмитаси, Халқаро диний ташкилотлар вужудга келиши глобаллашув жараёнларининг тез суръатлар билан ўсишига туртки бўлди.

Глобаллашув жараёни ҳаётимизга тобора тез ва чуқур кириб келаётганинг асосий омили ва сабаб хусусида гапирганда, шуни объектив тан олиш керак- бугунги кунда ҳар қайси давлатнинг тараққиёти ва равнақи нафақат яқин ва узоқ қўшнилар, балки жаҳон миқёсида бошқа минтақа ва ҳудудлар билан шундай чамбарчас боғланиб боряптики, бирон мамлакатнинг бу жараёндан четда туриши ижобий натижаларга олиб келмаслигини тушуниш, англаш қийин эмас.

Шу маънода глобаллашув-бу аввало ҳаёт суръатларининг беқиёс даражада тезлашуви демакдир.

Глобаллашув тушунчаси ва унинг ижтимоий-фалсафий моҳияти XXI аср бошларига келиб, дунё мамлакатлари ўртасидаги ўзаро таъсир шуқадар кучайиб кетдики, бу жараёндан тўла қутқарилиб олган бирорта ҳам давлат йўқ, деб тўла ишонч билан айтиш мумкин. Ҳаттоки, халқаро ташкилотлардан узоқроқ туришга интилаётган, уларга аъзо бўлишни истамаётган мамлакатлар ҳам бу жараёндан мутлақо четда эмас. Глобаллашув шундай жараёнки, ундан четда турман, деган мамлакатлар унинг таъсирига қўпроқ

учраб қолиши мумкин. Бундай ғайри ихтиёрий таъсир эса кўпинча салбий оқибатларга олиб келмоқда.

Глобаллашувнинг турли мамлакатларга ўтказаетган таъсири ҳам турлича. Бу ҳол дунё мамлакатларининг иқтисодий, ахборот, маънавий салоҳиятлари ва сиёсати қандай экани билан боғлиқ. Дунёда юз бераётган шиддатли жараёнларнинг ҳар бир мамлакатга ўтказаетган салбий таъсирини камайтириш ва ижобий таъсирини кучайтириш учун шу ҳодисанинг моҳиятини чуқурроқ англаш, унинг хусусиятларини ўрганиш лозим. Бу ҳодисани чуқур ўрганмай туриб унга мослашиш, керак бўлганда, унинг йўналишини ўзгартириш мумкин эмас. Глобаллашув яна шундай жараёнки, уни чуқур ўрганмаслик ундан фойдаланиш стратегияси, тактикаси ва технологиясини ишлаб чиқмаслик мамлакат иқтисоди ва маданияти, маънавиятини тоғдан тушаётган шиддатли дарё оқимиға бошқарувсиз қайикни топшириб қўйиш билан барабар бўлади.

Мустақиллик даврида мамлакатимиз олимлари ўтказган ва ўтказаетган тадқиқотлар таҳлили бу соҳадаги ишлар эндиғина бошланаётганидан гувоҳлик беради. Глобаллашув миллий маънавиятга ҳам таъсир ўтказди. Ҳар қандай сиёсат, жумладан, иқтисодий сиёсат ва маънавият соҳасидаги сиёсат ҳам илмий асосга эга бўлгандағина муваффақият келтиришини назарда тутсақ, бу масалада олимларимиз сиёсатчиларимизга етарли кўмак беришларини эътироф этишга тўғри келади. Мамлакатимизнинг жаҳон майдонида олиб бораётган сиёсати кўпроқ самара ва муваффақият келтиришини истасақ глобаллашувнинг моҳияти, йўналишлари, хусусиятларини чуқурроқ тадқиқ ва таҳлил қилиш зарур. Айнан шу жараённи чуқурроқ таҳлил этиш орқали сиёсатчиларнинг турли йўл танлаши ва қарорлар қабул қилиши учун имконият яратиш мумкин.

Глобаллашув-турли мамлакатлар иқтисоди, маданияти, маънавияти, одамлари ўртасидаги ўзаро таъсир ва боғлиқликнинг кучайишидир.

Глобаллашувга берилган таърифлар жуда кўп. Лекин унинг хусусиятларини тўлароқ қамраб олгани, бизнингча, франсуз тадқиқодчиси Б.Банди берган таъриф унда глобаллашув жараёнининг уч ўлчовли эканига урғу берилади:

- глобаллашув — мутгасил давом этадиган тарихий жараён;

- глобаллашув — жаҳоннинг гомогенлашуви ва универсаллашуви жараёни;

- глобаллашув — миллий чегараларнинг ювилиб кетиш жараёни.

Тадқиқотчи Б.Банди таърифида келтирилган глобаллашув ўлчовларининг ҳар учаласига нисбатан ҳам муайян эътирозлар билдириш мумкин. Лекин жаҳонда юз бераётган жараёнларни кузатсак уларнинг ҳар учови ҳам унда мавжуд эканини кўрамиз.

Глобаллашувнинг мамлакатлар иқтисодий сиёсати ва маънавиятида ўтказиши мумкин бўлган ижобий ва салбий таъсири Ҳиндистоннинг машҳур давлат арбоби Махатма Гандининг қуйидаги сўзларида яхши ифодаланган: Мен уйимнинг дарвоза ва эшикларини доим беркитиб ўтира олмайман, чунки уйимга тоза ҳаво кириб туриши керак. Шу билан бирга, очилган эшик ва деразаларимдан кираётган ҳаво довул бўлиб уйимни ағдар тўнтар қилиб ташлаши, ўзимни эса йиқитиб юборишини ҳам истамайман.

Шунинг учун ҳам миллий истиқлол ғояси бугунги глобаллашув жараёнида уйимизни, ҳаётимизни тоза ҳаво билан таъминлаб, айти пайтда, довуллардан сақлаш омили эканлигини англаш муҳим.

Ҳозирги замон глобаллашув жараёни ўта мураккаб ҳодиса. Унинг турли мамлакатлар иқтисоди, сиёсати ва маънавиятига ўтказётган таъсири яна ҳам мураккаб бўлгани сабабли унга нисбатан ҳам жаҳонда бир-бирига нисбатан рақобатда бўлгани икки гуруҳ: глобалистлар ва аксилглобалистлар гуруҳлари вужудга келди.

Ҳозирги замонда глобаллашув жараёнида инсонларнинг анъанавий менталитетида содир бўлаётган ўзгаришлар шаклланиб келаётган “оммавий маданият”нинг таъсирида кечаётганлиги боис, уларда ижобий жиҳатлар эмас, балки индивидуализм, шухратпарастлик, қандай йўл билан бўлса ҳам бойлик тўплаб, ўзгаларни назар писанд қилмаслик, очкўзлик, ёвузлик, ўзаро бегоналашув каби салбий хусусиятлар ривожланиб бормоқда. Ана шу жиҳатдан қараганда “оммавий маданият”ни шакллантираётган “глобаллашув жараёнида инсонлардаги салбий хусусиятлар юзага келишининг олдини олишга хизмат қилувчи умуминсоний маънавиятни шакллантиришга йўналтириш бугунги цивилизация олдидаги энг муҳим стратегик вазифага айланиб бормоқда”.<sup>2</sup>

Жаҳон маданияти тарихида чуқур из қолдирган Абу Наср Форобий ҳам ўнлаб тилларни билган ва ўнлаб халқлар маданияти ва маънавиятини чуқур ўрганган. Бундай мисолларни жуда кўплаб келтириш мумкин. Энг муҳим жиҳати шундаки, ўша буюк аждодларимиз жаҳон халқлари маънавиятини ўрганибгина қолмай, уларни чуқур таҳлил қилишди, тегишли жойларини ривожлантириб, оламшумул кашфиётларни очишди. Аждодларимиз тарихи жаҳон халқлари маънавиятига ҳурмат билан қараш, керакли жойларини ўрганиб, ижодий ривожлантириш орқалигина маънавият чўққисига эришиш мумкинлигидан гувоҳлик беради. Бизга таъсир ўтказётган ёки таъсир ўтказмоқчи бўлаётган ғояларнинг қай бирини қабул қилиш ва қай бирини рад этиш лозимлигини аниқлаш учун жиддий таҳлил лозим. Ана шундай таҳлилни ўтказиш учун эса баъзан эринчоқлигимиз, баъзан ўқувсизлигимиз ҳалақит бермоқда. Бунинг оқибатида эса қабул қилиш лозим бўлган ғояларни рад этиш ва рад этиш лозим бўлган ғояларни қабул қилиш ҳоллари ҳам учраб турибди.

---

<sup>2</sup> С.Отамуродов. Глобаллашув ва миллий маънавий хавфсизлик.- Т., “Ўзбекистон”, 2013.61 б.

Шундай ғоялар борки, улар очик чехра билан эшигимизни тарақлатиб, кириб келади. Шундай ғоялар ҳам борки, улар ўғри каби туйнук қидиради. Ешик қоқиб келадиган ғоялар миллий маънавиятни бойитишга, ривожлантиришга хизмат қилади. Бу умуминсоний эзгу-ғоялардир. Чунки миллий маънавиятлар ўзаро таъсир жараёнида ривожланади. Ҳар қандай халқ маънавияти ривожига назар ташланса, унинг бошқа халқлар удум ва анъаналарини қанчалик ўзлаштириб ва ривожлантириб борганини кўриш мумкин.

Ўзбек миллий маънавияти ҳам узоқ ва яқиндаги кўшниларнинг илғор анъаналарини ўзлаштириш натижасида бойиб борди. Маънавиятимизнинг ривожланиш тарихини кузатсак, бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилиш мумкин. XX аср бошларидаги ўзбек маданияти ва маънавияти ҳамда унинг аср охиридаги ҳолати ўртасида анча жиддий тафовут бор. Бу тафовутни адабиёт, санъат, фан, ҳатто оддий юриш-туриш ва кийим-кечак турмуш соҳаларида ҳам кузатиш мумкин.

XX аср бошида ўзбек адабиётида драматургия жанри ҳали шаклланмаган эди. Демак миллий театр санъати тўғрисида сўз ҳам юритиш мумкин эмас эди. Мунаввар Қори Абдурашидхонов, Махмудхўжа Бехбудий, Фитрат сингари маърифатпарварларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли драматургия шакллана бошлади ва кейинроқ театр санъати вужудга келди. Ўша пайтларда театр санъатини ўзбек миллати учун ёт, бегона ғоя деб эълон қилганлар оз эмас эди. Драматургия ва театрини рад қилиш фақат даҳанаки таҳдид билан чегараланмаган. Санъатнинг бу турларини Ўзбекистонга олиб киришга ҳаракат қилаётган инсонларни мазах қилиш, масхаралаш, ҳатто сазойи қилиш ўзларини миллий маънавият ҳимоячилари, деювчилар томонидан амалга оширилган эди. Ҳамма нарса учун олий ҳакам ҳисобланадиган вақт эса, театр санъати миллий руҳиятимиз ва маънавиятимизга ёт, деювчиларнинг ўзлари миллий маънавият ривожига ғов бўлганини кўрсатди. Ҳозирги кунда

ҳар миллион кишига ҳисоблаганда театрлар сони бўйича Ўзбекистон дунёдаги энг илғор ўринлардан бирини эгаллайди ва театр миллий маънавиятимизнинг узвий қисмига айланган.

Миллий кийимлар ҳам миллий қадриятлардан бири ҳисобланади. XX аср давомида ана шу қадриятимизнинг ҳам тадрижини кузатсак ғаройиб ҳодисаларнинг гувоҳи бўламиз. Ўтган аср бошларида маҳаллий эркакларнинг қишки кийими телпак ёки этикдан иборат эди. Ёзги кийим эса дўппи, кўйлак ёки ятак оқлозим ва шиппак ёки кавушдан иборат эди.

Спорт соҳасидаги атамаларни глобаллашув жараёнига ҳам тадбиқ қиладиган бўлсак вайронкор ғоялардан ҳимояланишнинг энг самарали йўли уларга қарши ҳужумга ўтишдир. Яъни, биз ёт ғоялардан ҳимояланиш билангина шуғулланмай, ўз ғояларимиз, анъаналаримиз, турмуш тарзимизни дунёга ёйиш учун ҳаракат ҳам қилишимиз зарур.

Шўролар даврида миллий қадриятларимизни дунёга ёйиш уёқда турсин, ўз юртимизда қадрлаш учун ҳам йўл берилмади, кўпчилик қадриятларимиз эса топталди. Муस्ताкилликка эришганимиздан кейин ўша топталган қадриятларимизни тиклаш, миллий қадриятларимизни тарғиб қилиш имконига эга бўлдик. Ўзбек миллий курашини дунёга ёйиш бўйича қилинган ишлар, дунёнинг кўпчилик мамлакатларида ўзбек кураши федератцияларининг тузилиши бунинг яққол мисоли. Дунё бугун Ўзбекистонни миллий-маданий мероси, бой тарихи, тили, маданияти, урф-одат ва анъаналарининг умуминсоний ғоялар билан мужассамлиги, санъат ва архитектура, фан ва маданият соҳасида эришаётган ютуқлари орқали ҳам кашф этмоқда. Демак биз глобаллашув жараёнида пассив қабул қилувчи томонгина бўлмай, фаол тарғиб қилувчиларга ҳам айланишимиз мумкин.

## МУНДАРИЖА

Кириш .....	3
Глобаллашув шароитида ахборот макони, ахборотлашган жамият тушунчаларининг мазмун- моҳият. Глобаллашув тушунчаси ва унинг ижтимоий-фалсафий моҳияти.....	6
Оммавий ахборот воситаларининг инсон ва жамият ҳаётидаги таъсири.....	14
Глобаллашув шароитида миллий ғоя ва қадриятларга эҳтиёжнинг ортиб бориши.Глобаллашув жараёнлари ва маънавий таҳдидлар .....	21
Халқаро терроризм, диний экстремизм, одам савдоси ва бошқа ёт мафкуралардан ҳимоялашнинг шарт -шароитлари ва омиллари .....	27
Ёшларда ахборот хавфсизлигини таъминлаш муаммолари ва ахборот маданиятини шакллантириш масалалари .....	39
Ҳозирги даврда халқаро терроризм, диний экстремизм ва фундаментализмнинг ривожланиши ва таҳдиди тенденциялари. Кибертерроризм терроризмининг янги кўриниши.....	45
Тест саволлари .....	67
Глобаллашув шароитида ахборот макони ва ғоявий мафкуравий курашлар мавзусини мустаҳкамлаш учун саволлар .....	84
Хулоса .....	88
Адабиётлар .....	91

Султонова С.Ю.

**ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА АХБОРОТ МАКОНИ ВА  
ЁШЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ ТАҲДИДЛАР, ЭКСТРЕМИЗМ  
ВА ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ ҒОЯВИЙ КУРАШЛАР  
СТРАТЕГИЯСИ**

(Ўқув-услубий қўлланма)

Муҳаррир: С. Каримова  
Техник муҳаррир: Ё. Қаршибоев  
Мусахҳих: Б. Эргашев

Гувоҳнома № 10-3512

Босишга 2020 йил 25 июнда рухсат этилди.  
Қоғоз бичими 60x81<sub>1/16</sub>. Офсет қоғози. Шартли босма табоғи 3,6.  
Нашриёт ҳисоб табоғи 6,0. Адади 20 нусха. Буюртма №228.

---

СамДЧТИ нашр-матбаа марказида чоп этилди.  
Манзил: Самарқанд шаҳри, Бўстонсарой кўчаси, 93-уй.